– Унинг ўн бир тури бор. Ҳув анаву хурмо дарахтини кўраяпсизми? Уни ўн беш йилдан бўён парвариш қила-ман. Булардан ташқари турли хил кактуслар ўстираман. Мана бу мовий кактус эса ҳар саккиз йилда гуллайди. Унинг гуллаганини бир кўрсангиз эди...

– Бу гулларни қайси пайтда парваришлайсиз?

– Қачон вақт топасиз, демокчисиз-да! Эрта туришни яхши кўраман. Уй юмушларидан бўшагандан сўнг, гулларга қарашга киришаман. Бу юмушга кунига ўртacha бир соатдан кўп вақтим кетади. Кейин ишга кетаман.

– Қаерда хизмат қиласиз?

– Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида муҳаррир бўлиб ишлайман. Унвоним подполковник.

Суриштириб билсан, қаҳрамонимиз иккита ўкув қўлланмаси, услубий кўрсатмалар тўплами, 10 дан зиёд мақолалар чоп эттириб улгуриди. Икки нафар фарзандни вояга етказибди. Улар ҳозир олий маълумотли экан.

Гуллар ошиғи Гулнор Жумаеванинг хонадонидаги гулларни томоша қилиб тўймайсиз. Улардан таралаётган хушбўй ҳидлар эса димоқни қитиқлаб, кишига ором баҳш этади. Гулнор яратган чаманзорга тикилар экансиз, гўёки ўзга оламга бориб қолгандек ҳис қиласиз ўзингизни, хаёллар ўз оғушига олади. Гулнорнинг мақсади гулларнинг янада нафис турларини топиб этиштириш. Биз унинг бундай гўзал орзу-нияти рўёбга чиқишини тиляб қоламиз.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

Суратда: гуллар шайдоси Гулнор Жумаева.






Aziz bolajonlar!
Barchangizni 1 iyun —
Kalqaro bolalarni himoya
qilish kuni bilan sahifamiz
ijodkorlari nomidan
chin ko‘ngildan
tabriklaymiz.

B u g u n g i
sahifamizda berilayotgan
barcha boshqotirmalar
bizdan sizga arzimas
sovg'a. Kuningiz ko'ngilli
o'tsin!



Saxiy Bilmasvoy o‘zidagi bir nechta konfetlarni yo‘l-yo‘lakay duch kelganga tuhfa qildi. Uning nechta konfetni sovg‘a qilganligini topping.

SAVOL-TOPSHIRIQ



Izquvar . ko'zlarini
ishqalayotgan cassirdan
so'radi;


so'radi:
— Voqeani menga yana
bir bor-qaytarib aytib
bering-chi.

— So‘qmoq yo‘lga yaqinlashib kelgan paytimda kimdir yuzimga achchiq qalampir sepib yubordi. Qalampir ko‘zlarimga kirib ketdi. Achishganiga chiday olmay ko‘zlarimni ishqalay boshladim. Xuddi shu payt haligi kimsa sumkamni tortib olib, qochib ketdi. Sumkamda juda ko‘p pul bor edi. Odamlarni yordamga chaqirdim, lekin aksiga olib yaqin atrofda hech kim yo‘q edi. Yaxshiyamki, bu joylarning har qarichini besh qo‘ldek bilaman. Yuzko‘zimni yuvish uchun shu yaqindagi qishloqqa bordim.


Ammo haliyam ko'zlarim achishayapti. O'n yildan beri cassirlik qilaman. Birovning bir so'miga xiyonat qilmaganman. O'tinaman, menge vandaylari.

menga yordam bering!
Izquvar bir pas jim turdi-
da, so'ng dedi:
— Bilasizmi, muhtaram
kassir, pul yo'qolmagan, u
sizda turibdi. Meni esa alday
olmaysiz. Qonun oldida javob
berishingizga to'g'ri kel'di.



Savol: bolalar, ayting-chi, nima uchun izquvar kassirning o'zini aybladi?



To‘tilar
bir-biri bilan
arazlashib
qolishdi.
Shuning
uchun to‘rtta
to‘g‘ri chiziq
tortib, har
bir to‘tini
alohida
«xona»larga
ajrating.






Gugurt cho'plaridan 6
tasining joyini shunday
o'zgartiriringki, natijada har ikki
qadahdan bitta uy hosil bo'lsin.



Bu suratda nechta g'oz tasvirlangan?

«YO‘OLGAN» NARSALAR

Sevimli o‘rmonida choyxo‘rlik qilib o‘tirgan Quyonvoy bir qancha yegulik va buyumlarini yo‘qotib qo‘yganidan bexabar. Keling, uning kayfiyati buzilmasligi uchun ularni joy-joyiga qov ‘ib qo‘vaylik.



Yugoridagi ikki surat orasida 10 ta farq bor. Ularni toping.

Sahifani Erkin SATTOROV tayyorladi.

XVII асрда яшаб ижод қилган Турди Фарогий ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос мавқега эга бўлган шоир ва мутафаккирлардан биридир. Шоир ўз шеърларини кўп ҳолларда «Турди» номи, баъзан эса «Фарогий» таҳаллуси билан ёзган. «Фарог» Жиззах ҳудудидаги қишлоқлардан бирининг номи бўлиш эҳтимоли бор.

Турди Фарогийнинг ҳаётси ва ижоди ҳақида тарихий манбаларда аниқ маълумотлар сақланиб қолмаган. Бу тўғрида асосан унинг бизгача етиб келган саноқли шеърлари бўйича фикр юритиши имконимиз бор, холос. Турди ижодини ўрганишга А. Фитрат, О. Шарафуддинов, Ҳ. Ёкубов каби олимлар катта ҳисса қўшдилар.

Шоир ўзбек ва форс тилларини яхши биларди. У кексайган чоғларида ёзган «Дар мазаммати сипоҳигари» («Амалдорликни мазаммат қилиш») деган шеърида ўзининг асосий касбкори сипоҳийлик («ҳарбийлик») бўлганини, шу касби

билан узоқ йиллар давомида нималарнидир тъма қилиб, шоҳларга хизмат қилғанини, лекин охир-оқибатда ҳеч нарса га эриша олмаганини афсус-надомат билан маълум қиласи.

Лекин ҳарбийлик билан бир қаторда Турди ўз замонасининг энг ўқимишли, Шарқ адабиётидан мукаммал ха-

турдининг адабий мероси 18 шеърдан иборат бўлиб, улардан 12 таси Шарқ шеъриятининг газал, 5 таси мухаммас ва биттаси фард турига оиддир. 434 мисра ҳажмидаги бу мероснинг 165 мисрасини Субҳонқулихон тўғрисидаги машҳур ҳажвия ташкил этади. Бироқ шу мероси билан ҳам Турди ўзбек мумтоз адабиёти тарихидан муҳим ўрин эгаллагандир.

Турди фазалларининг аксари-

бўлганидан далолат беради:

**Топ кўнгуллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг,
Тўксон шеки бўли ўзбек юртишур,
тенглик қилинг,**
**Бирни қипчоқу хитою
бирни юз, найман деманг,
Кирқу юз минг сон бўлуб,
бир хон ойнлик қилинг.**
**Бир яқодин бош чиқарib,
барча бир тўнга кириб,
Бир ўнгурлик, бир тиризлик,
бир яқо-енглик қилинг.**

рини динсизликда айлаши, муттаҳам, бебош сифатида фош этиши ачиқ ҳаётий ҳақиқатга ососланган эди.


Турдининг шоҳ асари, албатта Субҳонқулихон тўғрисидаги ҳажвий мухаммасидир. Шоирнинг фикрича, Субҳонқулихон давлат тепасига келиши билан бутун мамлакатда аҳвол ёмон томонга ўзгарган, осойишталик ўрнини тартибсизлик, адлу камар ўрнини ўзаро нифоқ эгаллаган. У асарда Субҳонқулихон қиёфасида қаттиқўл, жоҳил шоҳ тимсолини яратишга ҳаракат қилган ва бунга эришган. Бунда Субҳонқулихон образини биз тўла тарихий реал шахс сифатида эмас, балки адабий тип сифатида баҳоламогимиз зарур. Бу асар би-лан Турди ўзбек ҳажвиясини Алишер Навоийдан кейин янги бир юксакликка кўтарди.

Унинг адабий мероси бизнинг давримизда ҳам катта маъно касб этиб, қишиларимизнинг тарбиясида муҳим ўрин тутмоқда ва ҳалқимизнинг чинакам маънавий мулкига айлангандир.

ТУРДИ ФАРОГИЙ

бардор, ҳаёт, жамият ҳақида кенг тушунчага эга бир киши бўлиб етишган эди. Унинг жамиятда тутган мавқеи эса ўз атрофида юз берадиган воқеа ва ҳодисаларга фаол араласишини тақозо этган. Афтидан у оддий аскар эмас, балки қўшин бошлиқларидан бири, баъзан бирон сиёсий гуруҳнинг раҳбари бўлган ёки бирон шундай гуруҳга ён босган.

XVII аср шароитида Бухоро хонлигига туркий, хусусан, ўзбек уруғлари ўртасида ўзаро низолар кучайган бўлиб, шоир уларнинг бир-биридан узоқлашиб, мамлакатнинг эса майдада бўлакларга бўлинниб кетишини уларнинг ўзлари учун ҳам фоят хатарли деб билар, бунинг олдини олишга интилар эди. Шу билан бирга у хонликнинг «ўзбекман!» деб талончилик билан шуғулланаётган вакилла-



Зокир БОЛТАЕВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Дилнавоз. Голланд. Мангу. До. Кирза. Ламберт. Доимо. Нопок. Ди. Юк. Олов. Драма. Исаак. Обуна. Ораз. Ирис. Кредитор. Турана. Испан. Мато. Бинго. Мазут. Араб. Атала. Ҳажв. Лат. Доим. Емак. Тазарру. Ротор. Асал. Нимага. Сумалак. Финал. Табака. Умар. Мусибат. Зиддият. Си. Атлас. Нари. Отбокар. Ниначи. Олма. Даъво. Ор. Том. Ир. Амин. Рози. Атлантика. БҮЙИГА: Уганда. Ижодкор. Ижара. Берн. Заифа. Лаъл. Наби. Уд. Гавда. Мирза. Монитор. Орган. Испод. Ваколат. Амир. Гард. Одоб. Мучал. Динор. Зиравор. Ора. Таянч. Мандат. Таити. Орзу. Анапа. Аксиома. Омин. Гулкарар. Бекасам. Омил. Устара. Иситма. Арамис. Либос. Соят. Коса. Иморат. Алл. Зал. Талаб. Ми. Нарда. Акула. Ола. Алик. Тикан. Татар. Катер. На.

БУЮК СИЙМОЛАР

ГУШЛАР АЪБИРИ

(Боши ўтган сонларда).

КАЛАМУШ

Каламуш – ёвуз ва очик душман. Каламуш таласа – оғир тушкунлик ва қасаллик. Каламушларни кувлаш ёки ўлдириш – ҳар қандай шароитда маккорликка ва зўғимга қаршилик қилиб, ўз мавқесини тиклаб олишини билдиради.

ЛАГАН

Бўш лаганни кўриш – бефойда иш, курук оворагарчиликдан хабар. Лаганда таом турган бўлса – ризқ-насиба. Лагандаги пишмаган овқат – мавҳум ишга, шошқалоқлик қилинаётганликка белги. Лагандаги хом гўшт – келаётган касаллик. Қизлар лаганда тўй оши кўрсалар – янгилик, баҳт. Турмуш қурган аёлга – меҳмон ёки фарзанд келиши.

ҚАНДИЛ

Бу – таклиф. Чароқлаб ёниб турган қандил – оиласа тинчлик, саломатлик, омад. Кичкина, жажжи қандилни кўриш – фарзандларнинг келажаги порлоклилигига ишора. Чиннидан ясалган қандил – сизга нисбатан алдов, сохта хушомад, маккорлик қилинмокда. Дурмарваридлардан ясалган қандилни кўриш ва уни ўзиники эканлигини билиш – катта мерос, ишда катта натижага, мартабага эришишдан хабар. Қизлар худди шундай қандил кўрсалар – улкан баҳтга, катта давлатга эга бўладилар.

ЛАГМОН

Кўрсангиз, ножӯя ишдан ўзингизни тортинг. Сизга найранг-фитна уюштирилайпти. Акс ҳолда, узокқа чўзиладиган ташвишга қоласиз. Есангиз – касал бўлиб қолишиниз эҳтимоли бор. Ибодат қилинг.

ЛОТЕРЕЯ

Омадни синаб кўриш керак. Агар тушда ютуқ чиқсан бўлса – ҳаётда оғир аҳволдан осонлик билан чиқиб кетишига, кўп нарсага эга бўлишга, тўхтаб қолган ишларнинг юришиб, яхши маблағ келишига ишора. Кизларга баҳтли такдирни билдиради.

ЛОЙ

Енгил касаллик келаётгани ифодаси. (Давоми бор).



N.

УЧАР... АВТОМОБИЛЬ

ЁКИ
КОИНОТНИНГ
ЯНА БИР СИРЛИ
ХОДИСАСИ

Австралияниг Перт шаҳрида яшовчи бир фуқаро январь ойида ўз шаҳрининг Интернетдаги тасвири устида муаллақ турган автомобиль суратини кўриб қолди. Бу тасвир космосдан сунъий йўлдош ёрдамида олинган эди.

Яқинда яна Интернетда Перт шаҳри устида учиб юрган автомашина тасвири пайдо бўлди. Бу гал машина шаҳар четидаги чўмилиш майдони узра кезиб юради. Ҳозирча бу ҳодисани ҳеч ким аниқ изоҳлаб бера олмаяпти. Биринчи гал НУЖ ишқибозлари воқеа жойига боришганида ҳеч қанақа автомобилини топа олишмаганди.




ҚЎЛБОЛА ТУХУМ ВА...

Ҳаётда асл маҳсулотнинг худди ўзига ўхшатиб ясама маҳсулот тайёрлаш жуда кўп учрайди. Аммо хитойликларнинг бир «ихтиро»си ҳаммасидан ошиб тушди...

Улар яқинда товуқ тухумини... ясашди. Қўлбола тухумлар аслига жуда ўхшайди — пўчоги, сариги ва оқи бор. Қовургандан худди ҳақиқий тухумдек пишади, лекин унинг бир оз кимёвий ҳиди бор.


Тухумнинг оқини тайёрлашда асосан кимёвий моддалардан фойдаланилади. Саригини тайёрлаш учун эса тайёр кимёвий суюқликка бўёқ қўшилади ва думалоқ шарчага солиб, кальций хлорид ёрдами-



да эластик ҳолатга келтирилади. Устидан оқи қўйилади. Тайёр қўйма яна кальций хлорид билан тухум шаклига келтирилади.

Тухумнинг пўчогини эса парафин ва гипсни арапаштирган ҳолда тайёрлаб, тайёр қўймага суриб чиқилади. Ясама тухумни тайёрлаш бир неча ўнлаб соатга чўзилар экан.

Лекин бунгача хитойликлар товуқ... ясашганини ҳам ҳали кўпчилик билмаса керак. Бунинг учун улар товуқнинг оёғи ўрнида бамбук чўплари, гўшти ўрнида эса соя гўштини ишлатишган...



Қўлбола тухум ҳақиқийсига жуда ўхшайди.



АЖАЛ БИЛАН ЎЙНАШИБ



Малайзиялик Шахими Абдул Ҳамид ўзига хос жаҳон рекорди ўрнатди. У энг заҳарли илонлардан саналган қирол кобрасидан учдақиқаю бир сонияда 51 марта ўпич олди.

Собиқ фермер бўлган Шахими бунга бир неча ой тайёргарлик кўрди. У ўз томошасини Куала-Лумпур четидаги қиморхоналардан бирни намойиш этди. Ўта хавфли томошани кўриши учун бир неча юз киши тўпланди. Илоннинг вазни ўн кило, узунлиги 4,6 метр эди.

Кобранинг заҳарли тишлари бус-бутунлигини маҳаллий университетнинг тиббиёт факультети профессори Екшам Осмон расман тасдиқлади.

Илгариги бу борадаги рекорд американлик Гордон Кейтсга тегишили эди. У 1999 йил сентябринда «илон пари»га «атиги» 11 та бўса ҳадя қила олганди, холос.

Ойбек ЗОКИРОВ.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар спортига бўлган эътибор йилдан-йилга кучайяпти. Натижада кўплаб ёш чемпионлар кашф этилмоқда. Жаҳон спорт ареналарида спортчиларимиз энг юқори ўринларни банд этиб, юртимиз довругини дунёга таратмоқдалар.

спортнинг кўл жанги, майдани, кикбоксинг турлари бўйича шуғулана бошлади. Шу мақсадда «Динамо» ЖТСЖга қатнаши.

— Сирожиддин илк машғулотлардан ўзини кўрсатди, — деди Тошкент шаҳар ИИБ катта терговчиси, подполковник Тўлқин Раҳмонкулов. Оиласа ва укаларига жуда меҳрибон. Ўғлим билан фаҳранаман.

— Энг катта орзум Ватаним шарафини доимо ҳимоя қилиш, — деди ёш чемпион. — Бунинг учун ўз устимда кўп ишлами, машғулотлардан қолмаслигим керак. Қолаверса, мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқиб, келажакда отамга ўхшаб ички ишлар ходими бўлмоқчим.

Интилганга толе ёр, дейишади. Юксак орзу-мақсадлар сари одимлаётган Сирожиддин юртимизнинг умид ниҳоларидан биридир. Юртимиз ўғлонининг шиҷоати, куч-ғайрати янада жўшиб, жаҳон ареналарида Ўзбекистон шарафиди муносиб ҳимоя қиласерсин.

Ф. АЗИЗОВ.

СПАРТАКИАДА МУСОБАҚАЛАРИ

Яқинда Хоразм вилояти ИИБда анъанавий Спартакиада бўлиб ўтди. Вилоят ички ишлар ходимлари спортнинг етти тури бўйича ўзаро баҳслашдилар. Арқон тортиши, тош кўтариш, турнирда тортиши, кураш, 100 метр, 400 метрга эстафетали ва уч минг метрга югуриш баҳсларида ҳам голиблар аниқланди.

Умумжамоа ҳисобида патруль-пост хизмати ва жамоати тартибини сақлаш бошқармаси жамоаси биринчи ўринни кўлга кириди. Урганч шаҳар ИИБ ва вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими жамоалари кейинги ўринларни эгаллаши. Вилоят ИИБ бошлиги, полковник Самандар Полвонов барча иштирокчиларни эришилган муваффақиятлар билан табриклаб, уларга омад тилади.

Голиблар «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

ФАРГОНАЛИКЛАР ГОЛИБ

Ёнгин ўчириш амалий спорти бўйича навбатдаги республика биринчилиги Фаргона шаҳрида бўлиб ўтди. Мусобақаларда 15 та жамоа иштирок этиб, 100 метрга тўсиқлар оша югуриш, ёнгин ўчирувчилар эстафетаси, жанговар ёйилиш, ишғол этиш нарвонида ўкув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш, 3 тирсакли нарвонда ўкув минорасининг 3-қаватига кўтарилиш бўйича ўзаро куч синашдилар.

Қашқадарёлик Р. Рўзиев, Н. Нажмиддинов, тошкентлик У. Болибеков, Б. Дудников, ЁХОТМ вакили Н. Шаропов, хоразмлик М. Қодиров, бухоролик Б. Мерганов, М. Раҳматов каби спортчилар шахсий биринчилликда юқори натижаларга эришилар.

Мусобақа голибларига дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Мусобақаларнинг юқори савида ўтказилишида Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Кўқонспирт» корхонаси, «Самонур» хусусий фирмаси ва бошқа ҳомийларнинг қўшган ҳиссалари алоҳида эътиборга мөллий.

О. БҮРИБОЕВ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор томони, шубҳасиз, ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол қилиб тарбиялашга йўналтирилган. Бу улугвор ишларда ички ишлар идоралари ҳам иштирок этимоқда. Жумладан, Навоий вилояти Хатирчи тумани ички ишлар бўлими раҳбарияти ёшларнинг бўш вактларини мазмунли ўтказиш, жисмон чиниқтириши мақсадида спорт тўғракларни ташкил этиган. Қилишаётган саъиҳаракатлар бесамар кетаётгани ўйқ. Тўғракда иштирок этаётгандар орасидан ёш чемпионлар етишиб чиқмоқда.



КУЛОЛДАН ЧИҚКАН ЧЕМПИОН

Тумандаги Кулол қишлоғида яшовчи ўрта мактабнинг 4-синф ўқувчиси Фозилжон Бекпулатов Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида ўсмирлар ўртасида каратэ-до бўйича республика турнирида шоҳсупанинг энг юқорисидан ўрин олди. Олтин медални бўйнига осиб кўйишганида унча ҳаяжонланмади. Уйита келган заҳоти тўгри бувасининг ёнига югуриб бориб, унинг бўйнига олтин медални осиб кўйди. Фозилжон барча қариндошлари, қишлоқдошларининг кўксини фурурга тўлдири. Уни кутлагани келганлардан бири медални ушлаб кўради, бири ёш чемпионни кўтариб кўяди, яна бирлари кўрманага ютуради. Хулас, Кулолда чинакамига байрам бўлди.

— Фозилжон мактаб ўқувчилари орасида аъючилар сафида ўта хушмуомалалиги ва мулоҳазали фикрлаши билан ажralib турди, — деди устози Толибжон Тоиров. — Мамлакатимизда болалар спортига бўлган эътиборнинг кучайганилиги, ёшлар тарбиясида жисмоний соғломлик замирида руҳий баркамолликка эришиш масаласига давлат нуқтаи назаридан қаралиши чекка қишлоқларда ҳам чемпионлар туғилишига сабаб бўлмоқда.

Хатирчилик ички ишлар ходимларининг ҳомийлиги боис юртимизда спорт усталарининг сони кўпаймоқда.

Илҳом ўТАНОВ.

Суратда: ёш чемпион Ф. БЕКПУЛАТОВ.

ГУЛИСТОНДА СПОРТ БАЙРАМИ

Шу йилнинг 19-20 май кунлари Гулистон шаҳар марказий ўйингоҳида вилоят ИИБ ташаббуси билан вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида спорт байрами бўлиб ўтди.

Тадбирни вилоят ИИБ бошлиғи, вилоят «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси, полковник X. Сарабеков очди.

Ўтказилган спорт мусобақаларида вилоят ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, солиқ бошқармалари, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, суд департаменти, божхона хизмати жамоалари спортнинг футбол, волейбол, шахматашка, 100 метрга югуриш, эстафета турлари бўйича баҳслашдилар.

Умумжамоа ҳисобида вилоят МХХ вакиллари биринчи ўрин соҳиби бўлдилар. 2-ўринни вилоят ИИБ жамоаси эгаллади. 3-ўринни вилоят солиқ бошқармаси вакилларига насиб этди. Вилоят ИИБ жамоаси футбол мусобақаларида биринчи ҳамда волейбол, 100 метрга югуриш эстафеталарида иккинчи ўринни кўлга кириди. Шунингдек, шахматмусобақаларида вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ бошлиғи, подполковник Мирзим Тошматов биринчи ўринни банд этди.

Назиржон Йўлдошев,
сержант.

«ПАХТАКОР» - 50 ЎЙЛУГ ЁШДА

Ҳаммамиз учун севимли жамоага айланган, ўзбек футболининг фархи ҳамда байроқдор жамоаси «Пахтакор» ўзининг ярим асрлик тўйини нишонлади. «Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтган байрам тантанасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Пахтакор» футбол жамоаси аъзолари ва фахрийларига йўллаган табригини Президентнинг Даъват маслаҳатчisi X. Султонов ўқиб ўшиттириди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан «Пахтакор» футбол жамоаси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда футболни ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган спортчи ва мураббийлардан бир гурухи давлат мукофотлари билан тақдирланди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири Ш. Мирзиёев топшириди.

Байрам тантанасида таникли хонандалар ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирдан сўнг «Пахтакор» ҳамда «Торпедо» (Москва) жамоалари ўртасидаги ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Ўйин «Пахтакор» жамоасининг 2:1 ҳисобидаги фалабаси билан якунланди.

Ўз мухбиримиз.

ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида футзал бўйича Осиё чемпионати баҳслари давом этимоқда. Ҳозирда чемпионат қизгин паллага кирди.

«А» гуруҳидан жой олган терма жамоамиз аъзолари дастлабки учрашуви Малайзия вакилларига қарши ўтказиб 7:0 ҳисобида ғалаба қозонди. 2-турда ҳамюртларимиз Хитой Тайпейини 6:0 ҳисобида маглубиятга учратди. Айниқса, 25 май куни бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Хитой терма жамоалари баҳси кўплади мухлисларни беҳад қувонтириди. Айнан шу ўйинда вакилларимиз ярим финалга йўлланмани кўлга киритдилар.

Учрашуви томонларнинг тенг курашлари остида ўтди. Ўйндаги ҳисобни кутилганидек вакилларимиз очиб беришди. Уни Умид Холматов ажойиб тарзда дарвоза томон йўллаб, ўз ҳисобига дастлабки голни ёзib кўйди. Иккитинч бўлимда хитойликларнинг шилдатли ҳужумлари натижасида Ли Шин терма жамоамиз дарвозасини ишғол қилди. Бироқ ҳамюртларимиз бундан ўзини йўқотиб қўймади, балки ўйин суръатини ўз кўлларига олишиди. Пировардилда 6 дақиқа ичидага гол уриб, мухлислар олқишига сазовор бўлди. Терма жамоамиз аъзолари Абдула Бўриев ҳамда Николай Одушевлар шу куни учрашуving ҳақиқий қаҳрамонларига айланисиди. Ҳисоб - 4:1

Кечакемпионатнинг ярим финалига чиққан жамоалари ўзаро беллашдилар.

Ўзбекистон - Кирғизистон - 4:2

Япония - Эрон - 5:1

Бутун футзал бўйича Осиё чемпионатининг ҳал қилувчи финал учрашуви бўлиб ўтади.



AFC
FUTSAL
CHAMPIONSHIP
UZBEKISTAN 2006

Ўз мухбиримиз.

САЛОМАТЛЫК

РЕЦЕПТЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР

СЕМИЗЛИК —

ТАНГА ЗИЁНДИР

Қадди-қомати келишган йигит - қизлар дарҳол кўзга ташланади. Тўғри, ҳаддан зиёд озғин бўлиш ҳам яхши эмас. Аммо соғлиққа ортиқча вазнинг зиёни кўпроқ. Шунинг учун бўлса керак ҳалқда «Семизликни қўй кўтари» деган ибора бор. Дунё миқёсida олиб кўрадиган бўлсак, семизликдан жабр чекаётганилар кўпчиликни ташкил этади. Улар азбаройи ортиқча вазн, бунинг оқибатида организмнинг турли аъзоларини ёғ қоплаши туфайли келиб чиқадиган турли хасталиклардан азият чекишади.

ЁҒЛИ ОВҚАТТА ЎЧ БЎЛМАНГ!

Биласизми, ҳар иккى одамдан бири семиришга мойил бўлар экан. Ҳўш, семиришнинг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Диетологларнинг фикрича, бу меъридан ортиқча ёғ истеъмол қилишнинг оқибати экан. Одатда киши кунига 100 грамм ёғ истеъмол қиласди. Диетологларнинг айтишича, бу кўрсакични 70 граммга тушириш керак экан. Ҳозир гап асосан озғин ва кўп ҳаракат қиласидан одамлар ҳақида кетаяти. Бордию киши семизликка мойил бўлса, бунинг устига кам ҳаракат қиласа, бу меъёрни камида 50 граммга туширишига тўғри келади. Шундайни янгидан янги ёғ қатлами пайдо бўлиш жараёни тўхтайди. Ҳатто танадаги мавжуд ёғ қатламлари емирила бориши мумкин.

ЭНГ ОСОН ЙУЛИ

Таомномандиздаги ёғ миқдорини камайтириш бугунги кунда озишнинг энг осон йўли ҳисобланади. Бунда киши астасекин озаб боради. Унинг вазни уч ойда ўргача бир килограмма камайди. Тўғри, бу жараён ниҳоятда секин кечади. Бордию ҳамидан тайёрланган

Ёғсиз мол гўшти 5-10 г
Сариёғ, маргарин 75-80 г
Сосиска, балиқ консерваси 25-30 г

Чучвара 25 г
Майонез 70 г
Сметана 40 г
Қаттиқ ва юмшоқ пишлөқ 50 г
Дудланган колбаса 35 г
Ёнғоқ, кунгабоқар пистаси 30-50 г
Шоколад 40 г
Печенье 25 г

31 МАЙ — ҲАЛҚАРОҚАШАНДАЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ҚУНИ
ЧЕКИШНИ ТАШЛАШ МУМКИН

Чекиш билан курашишда энг ишончли самара, бу албатта — сизнинг хоҳиши, истагингиздир. Хуморга қарши курашиш кимнингдир руҳий таъсиридан эмас, балки ҳар бир қашанданинг ироди кучи билан ёниб ўтишидир.

Чекиш истагини сенгиш мумкинми? Ҳа албатта. Бунинг учун қуйидагиларни ўзингизда синааб кўринг.

Сигарет чекишини ташлаш мөқчи бўлсангиз, унинг, сабабларини ёзиб қўйинг. Масалан: «Соглом бўлмоқчи-ман», «Оилад саломатлигиги-ни хоҳлайман», «Пул тежамоқуман», «Ҳаётимни ўзим идора қўлмоқуман».

Ўта кучли иродага эга бўлсангиз, кўлингизга сигаретни олиб, уни сўнгти марта чекинг ва ташлаб юбориб, қарорингизда қатъий туринг.

Агар қатъий қарор қабул кила олмасангиз чекишини ташлашга маълум вақт, муд-

дат белгиланг ва уни бажаринг. Сигаретдан бир умрга айриласиз. Бу ҳақиқатта қаттиқ ишонинг.

Сигарет ташлаш давомида, кунига чекиш сонини камайтириб борганингиз маъкул. Бу жараёнда албатта, ўзингизга ва организмнинг гамхўрлик қилишнинг лозим. Жисмоний машгулотлар билан шугулланинг. Бу организмда тўплланган токсинлардан халос қиласи ва тана вазини метърида сакдаб туради.

Кўпроқ сув ичининг доимо

ёнингизда, илиша сув ёки шарбат бўлсин. Сув организмдаги токсинларни чиқариб юборишишга ёрдам беради, оғиз куриши, томоқ қичишининг олдини олади. Чекингиз келганда олма, конфет истеъмол қилинг.

Ўзингизга тўғри хуласа чиқаринг. «Мен чекишни ташлашман» деб ўйланг. «Чекиш таклиф этилганда ёки сигарет билан сийлашганда «Мен чекмайман» деган жавоб ўрнига «Мен чекишни ташладим» деб айтинг.

Доимо ёдингизда бўлсин! Чекишни ташлаб ҳеч нарсани йўқотмайсиз, балки кўп нарсага эга бўласиз. Ўзингизга ишонинг, сигарета боғлиқлигиниздан халос бўлиш усулларини ўзингизда синааб кўринг. Минглаб одамлар бу ёмон иллатдан халос бўлишган.

Д. ТЎРАНАЗАРОВ,
республика ИИВ Санитария-
эпидемиология
назорати Баш маркази
бошлиги
полковник.



КАРД

ёки тавқи лаънат тамғаси

«Тонг» меҳмонхонаси ёнидаги қурилши туталланмаган бинодан аёл кишининг мурдаси топиди. Энг аввало, марҳуманинг шахсни аниқлашибди. У Қарши шаҳрилик Мөҳира Тожитдинова бўлиб чиқди. Эндиги вазифа эса қотилларни топиш, бу мудҳиш воқеа сабабларини аниқлашдан иборат эди.

Тергов-суриштирув жараёнда марҳуманинг шахси, турмуш тарзи, фаолияти, айниқса, кимлар билан яқин муносабатда бўлганлиги алоҳида эътибор қаратилди. Паспорти ва бошқа хужжатларнинг топилмаганлити тезкор ходимларни ўйлантириб кўйди. Ахир ёш, гўзлар аёлни бўғиб ўлдириш кимга керак бўлди? Марҳума умри поёнига етган мудҳиш кунда кимлар билан учрашди, қаерга борди экан? Саволларнинг алоги йўқ эди...

... Ўша оқшом марҳума ошириштига тараддув кўраётган эди. Ён кўшниси Лоланинг ташрифи уни кувонтириб юборди.

— Кайнонанг суръ эканлар, ошнинг устига келдинг. Бирга ошхўрлик қиласи эканмизда, — деди Мөҳира Лола билан куюқ саломлашаркан.

Бу икки дугона опа-сингилдай қадрдан бўлиб кетишиган. Бир-бирининг хонадонига тез-тез кириб туришар, бальзида дардлашишар, бир-бировларидан сир яширишмасди.

Лола Аҳмедованинг касби ҳамширилик. Эрининг тошиштувиши ёмон эмас. Аммо аёл кўпроқ пул топиш учун ҳаракат қиласи. Ўйнинг олдида майдо-чўйда сотади, бальзида улгуржи савдо қилиб, мўмай даромад тошишга ҳам интиларди. Кунларнинг бирда у пулга роса зориқди. Шунда Мөҳира уни қўллаб юборди. Лолага 350

минг, унинг куёви Аслиддинга ҳам 350 минг сўмни 10 фоиз устамаси эвазига қарзга берди. Аммо бу гал тижоратчиларнинг омади чопмади. Кирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган «Қорасув» бозоридан қайтишда Лоланинг роса овораси чиқди. Чунки унинг ёнида фуқаролик паспорти йўқ эди. Устига устак олиб келган газмолнинг учдан бир қисми яроқсиз экан. Йўл ҳаражати ва бошқа сабаблар туфайли у анча қарздор бўлиб қолди. Куёви Аслиддин эса олган пулини бир амаллаб қайтара олди, холос. Ҳисоб-китоб қилишса, фоизи билан кўшиб ҳисоблагандага Мөҳира каттагина пул тўлаши керак.

Мөҳира бева аёл. Эрининг вафот эттанига уч йилдан ошиди. Эндигина 35 баҳорни қаршилаётган бу жувоннинг ошиғи олчи. Бир дунё пули бор. Судхўрлик ҳисобидан ҳар ойда унга жарақ-жарақ пул тушиб турди. Шунинг орқасидан кўша-кўша тилла тақинчоклар олган. Бўйнидаги тилла занжирни айтмайсизми?! Бунинг устига хушторлари ҳам талайгина. Улар ҳам куруқ кўл билан келишишади. Ҳар куни 5-10 минг сўм бор! Буларни ўйлар экан Лоланинг асаблари таранглар, Мөҳира га нисбатан ҳасади ортарди.

«Ярамас, қайси куни берган қарзини сўраб қолди, —



тузга бошлади. «Унинг тилла тақинчокларини ҳам қўлга киритсан борми? Қарз дафтарини ҳам йўқ қиласаман».

Лола режаси ҳақида ҳеч кимга оғиз оишни истамасди. Аммо бундай қалтиси ишни бир ўзи амалга оширолмаслигига ишонч ҳосил қиласа, Аслиддинга дилини ёрди. Ийтит бўлажак қайнонасининг фикрини кўллаб-куватлади. Лоланинг қизи Аслиддинга унаштирилган, тўй тараддувни кўришаётган қолди. Ҳар куни 5-10 минг сўм бор! Буларни ўйлар экан Лоланинг асаблари таранглар, Мөҳира га нисбатан ҳасади ортарди.

— Кечкурун соат саккизда Аслиддинининг уйига ўтрасан. Кутади.

Хонага кириб келган Мөҳира Аслиддин билан ўтирган Лоланинг кўриб ҳайрон қолди. «Ахир, у нима учун бу ерга келди? Балки чиқиб кетар...»

— Мөҳира опа, бўйнигизга нима қилди? — Аслиддинининг кўллари зулук каби аёлнинг бўғзига ёпишиди.

Қарз машмашаси шу тарика аянчли якун топди. Пул,

у. Лутфуллаевага тегишли дўкондаги байзи товарлар йўқлиги сотувчиларда шубҳа уйғотди. Кийим-кечаклар кўздан кечирилганда 100 минг сўмликка яқин аёллар жемпер ва ҳалатлари ғойиб бўлганди. Бундан хабар топган бошқа сотувчилар ҳам товарларини кўздан кечиришди ва ўтрини излашга тушдилар.

Сотувчилар кимдан шубҳа қилишларини билмасдилар. Дўконларни узоқ айланган 4-5 нафар аёл кўпчиликнинг эътиборини тортганди. Уларнинг орасида ёшроқ қиз бола ҳам бор эди. Кимdir қизил ранги «Нексия»ни ҳам кўрганини айтиб қолди.

Камали туманинг ходимлари ҳам бундан хабар топишганди. Ички ишлар ходимлари ўтирганинг тезда ушлаш, уларнинг қилмичини фош этиши юзасидан чоратади. Бароғи ўтирилган Ҳар куни 5-10 минг сўм бор! Буларни ўйлар экан Лоланинг асаблари таранглар, Мөҳира га нисбатан ҳасади ортарди.

— Ўтирилган, ўтиргана қизимдан, — Нодира Лобарни эркалаш, пешонасидан ўтиди. — Келгусида онандан ҳам ўтасон.

Яна бошқа дўконга кирдилар. Кимdir сотувчини чалгитарди, яна қарздан кимdir эса кўлга илинганини сумкага жойларди. Барат Кўчкоровга кариши дўкон растасидан битта аёллар жемпери, ўтирилган Ҳар куни 5-10 минг сўмлик кийим-кечакни гумдан қилиш уларнинг аёл муддаоларини эди.

Мехмонларни илик кутиб олган Ойрўзига уларнинг хатти-ҳаракатлари унча ёқмай, ўзингни эҳтий қўл-у, қўшинингни ўти тутма қабилида иш кўрди.

Ойрўзидан қарз эътиборига олган товарларини машина юқонасига жойлашиди. Муддаоларини амалга оширолмаган аёллар энди каттароқ ўлжалага эга бўлиш режасини тузиб кўйдилар.

Машина йўл четида курка соатётган аёллар олдига келиб тўхтади. Келишувга кўра тўртвонлон сотувчиларни роса чалгитиб кўришиди. Нодира сотиб олган куркаси-

дилдан ўтказди. — Пулингни ўзингга кафан қилмайин, тагин!

Лола Мөҳира қарзидан қарзидан қутлиш режасини

жойда амалга оширадиган бўлдилар.

— Дугона, бир жойга боришинг керак, — деди Лола.

— Микоз бор. Пули нақд.

Мөҳира қаерга бориши-ю, мижоз кимлигини суришига бошлади.

— Узумини егин-у, богини сўрама дейишидади-ку. Мана хизмат ҳақинига ортиги билан, — у хонтахта устига 5 минг сўм кўйди. — Кўёвим Аслиддин операция бўлган. Қани, бир синаб бергинг-чи, эркаклиги қандай экан?

Жувонлар бири-бирига тикилишиди. Қайнона бўлажак

Лола ҳам асл башарасини намоён этди. Қайнона-куёв Мөҳира жон-жаҳдлари билан ташланиши. Аёлнинг бўйнига сиртмоқ солиб бўғишиди. Қўзига қон кўйилган қотиллар чалажон аёлнинг тилла тақинчоқларини шоша-пиша ечиб олишиди. Унинг чўнгаклари, сумкачасини тинтиб кўришиди. Мөҳиранинг ёнида 4100 сўм пул, пардоз анжомлари, носхалта, қарз дафтари ва фуқаролик паспорти бор эди.

Тапир-тупур овозлар кўшни хонадаги болалар-

тила тақинчоқларни деб бир аёл қадрдан дугонасини, кўп йиллик кўшнисини ваҳшийларча ўлдириди. Лола ўз жиноятига не-не орзу-умидлар билан висол онларини кутаётган ёш, навқирон йигитни ҳам шерик қўлди. Бўла-жак келин юм-юм йигларди. Қотил она, қотил ёр... Мөҳиранинг болаларига қанчалик қийин бўлди! Отасиз ўстанлари етмагандек, энди онасиз қолган болаларнинг аҳволини бир тасаввур килинг-а!

Тергов жараёнида ўнлаб гумон қилинучилар сўрок қилиниб, ниҳоят қотилларнинг кирдикорлари фош этилди. Қотиллик содир этилган вақт, ўтказилган криминалтифик, суд-тибий экспертиза текширишлари, гуваҳларнинг кўргазмалари жиноятни фош этишга ёрдам берди. Қотиллар тергов, суд жараёнида роса ҳиля, ёлғон ишлатишга интилдилар. Аммо далиллар олдида уларнинг найранглари ўтмади. Айбларини тан олишига мажбур бўлдилар.

Уларнинг иккиси ҳам қонун олдида жавоб беришиди. Ҳар бирга узоқ йиллик қамок жазоси тайинланди. Марҳуманинг онасиз жабрланувчи М. Йўлдошева қотиллардан катта микдорда моддий ва маънавий зарар ундириш тўғрисида даъво аризаси берганди. Даъвонинг бир қисми қондирилди. Марҳумага тегиши қимматбаҳо тақинчоқлар Л. Аҳмедовага насиб қиласади. Бу ашёлар асл эгаларига қайта-рилди. Қотиллардан 2,5 миллион сўм моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақида суд хуҷа-чиқарди.

Қотиллар жазони ҳам ўтар, зарарни ҳам тўлашар. Аммо эл-юрт олдида бутун умр юзлари қоралигича қолади, улардан ҳамма нафртланади, яқин қишилари ҳам юз ўтиришлари тайин. М. Йўлдошева қизини ҳеч қачон унунта олмайди, Мөҳиранинг болалари бир умр оналарини қўмсасади. Қотилларни қаргашади. Тавқи лаънатга қолишидан ҳар кимни Яратганинг ўзи асрасин.

Убайдулла НУРМАТОВ.

Бухоро вилояти ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошкармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Бухоро шаҳар ИИБ ёнгин хавфсизлиги бўламиш бошларига, подполковник А. Тойировга онаси

МУМИНА аянини

вафот эттанилиги муносабати билан чукур ҳамдардларлик билдирадилар.

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаги вилоят ИИБ ёнгин 5-мустақил ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисмийнинг навбатчиллик ишлари сменаси бошларига, капитан

Абдумуolib ҚОДИРБЕКОВнинг хизмати вазифасини ўтаси вактида ҳалол бўлгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаги вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вактили, лейтенант

Зафаржон ҚУРБОНОВнинг

бевакат вафот эттанилиги муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаги вилоят ИИБ ЭКБ 2-сонли экспертиза ва криминалистика бўлнимаси эксперти, лейтенант

Ойбек НИШОННОВнинг

хизмати вазифасини ўтаси вактида ҳалол бўлгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Ташкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Чиноз тумани ИИБ хурурилаги кўрилаш бўлнимасининг милиционери, сержант

Исройл БОЗОРБОЕВнинг

фоҳвали ҳалол бўлгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.



**Янги ҳаёт остонаси! Ҳисларим уммон,
Кўнгироқнинг садосидан юраклар түғён.
Ҳам илмини, ҳам меҳрини ҳадялар этган,
Минг ташаккур, азиз устоз, истиклол замон!**

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ИККИНЧИ ҚАДАМ

Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг Соҳибқорон Амир Темур ҳақида ги «Улуғ салтанат» романининг биринчи китоби «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилган эди. Бу асар адабий жамоатчилик ва китобхонлар томонидан қизгин кутиб олинди. Яқинда мазкур асарнинг «Умаршайх мирзо» деб аталган иккинчи китоби босмадан чиқди.

Севимли ёзувчимиз мана бир неча йилдирки, қизғин ижодий фаолият билан бирга ҳалқаро Амир Темур жамғармасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Ушбу нодавлат ташқилотнинг вазифаси буюқ давлат арбоби Амир Темур Кўрагон ҳаёти, унинг ижтимоий-сийёй фаолиятига доир кенг кўламда илмий талқиқотлар олиб бориш, тарихий манбаларни чуқур ўрганиш ҳамда нашр этишдан иборатdir. «Улуғ салтанат» номли тетралогиянинг иккинчи китоби ана шундай хайрли иш йўлида ташланган навбатдаги қадам бўлди. Асар Амир Темурдек буюқ инсон ҳақидаги ҳақиқатни рўёбга чиқаришда, дунёга ёйишда, ҳалқимизга яқинроқ таниширишида муҳим аҳамият касб этади. Буюқ Соҳибқорон бобомизни фақат давлат раҳбари эмас, балки биринчи галда инсон сифатида тасвирлаш ёзувчининг ўз олдига кўйган асосий вазифаси бўлиб Муҳаммад Али бу борада муваффақиетта эришган.

Асарни ўқир экансиз, тўё ўзингизни XIV асрнинг жанту жадаллар ва ўзаро қарама-қаршиликларга тўла бўлган суронли йилларида яшаётгандай хис қиласиз. Ушбу асар сиз, китобхонларга манзур бўлади деб умид қиласиз. Таниқли адабимиз шу кунларда тетралогиянинг «Мироншоҳ Мирзо» номли учинчи китоби устида иш олиб бормоқда.

Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларинизни билиш ниятидамиз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга қўнгироқ қилинг!


Телефон: (371) 139-73-88



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қўйидаги телефон орқали мурожаат қилишиниз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача



Bosh muharrir
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinosari
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

Navbatchi: Qobiljon Shokirov
Sahifalovchilar: Zokir Boltayev
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikrasi mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltilrilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualiflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahli qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.
Kelegusi sonda uchrashguncha xayrl!




MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
2021000700447980001, MFO
00421. «Ipk yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uyl.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrdagi 007 raqam bilan ro'yhatga olingan. Buyurtma J-2438. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55943 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakkta tar比da - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqt - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. № - Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.



Газетамиз саҳифаларида реклама
ёки эълон беришни истайсизми?
Марҳамат!

Мурожаат
учун телефонлар:

139-73-88

139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz



Кишлоқ чеккасидаги унча баланд бўлмаган тепалик ён бағрида булоқ бор. Қишин-ёзин бир маромда суви жилдираб оқиб туради.

Илгари пастликда, йўл ёқасида мўъжазгина ҳовуз бўлиб, булоқ суви унга қўйилар, бутун қишлоқ шу ердан сув ичарди. Айниқса, ёзинг сараторон кунларида муздек сув жон роҳати бўларди. Қишида-ку одамлар яхшиям шу булоқ бор экан, йўқса сувсиз қолиб кетардик деб қўйишарди.

Кишлоққа водопровод келди. Ҳар бир хонадонда шарқираб сув оқиб тургандан кейин булоққа ҳеч ким эътибор бермай қўйди. Ҳовузчани қамиш босиб, қурбақалар маконига айланди. Энди у сувдан ҳеч ким ичмай қўйди, фақат ёзда подачи молларни суғориб туради.

Бир куни енгил машина бораётib, булоқ ёнига келганда икки-уч марта «йўталиб», тўхтаб қолди. Ҳайдовчи моторни кавлай бошлаганида башанг кийинган икки киши тушиб, атрофни томоша қилиб турди. Улардан бири булоқни кўриб қолиб, шеригига нимадир деди. Икковлон тепаликка кўтарилиб, булоқ бошига борди, кейин улардан бири ҳайдовчига стакан олиб чиқишини буюрди.

— Қаранг, шифобахшилгини, иссангиз роҳат-а, — деди бири.

— Таркибини текшириб

кўриш керак, балки бирор касалга даво бўладиган сув чиқиб қолиши мумкин, — деди иккинчиси.

— Омадимиз чопса шу ўртада кичикроқ цех қуриб, сувни ҳар хил идишчаларга қуйиб, сотиш мумкин.

Ҳайдовчи уларнинг кўрсатмаси бўйича беш-олтита елим

БУЛОҚ

Қатра

идишдаги маъданли сувни тўкиб ташлаб, булоқ сувидан тўлдирди.

Пастга тушишганда эшак миниб кетаётган мўйсафидни гапга солишиди.

— Ота, бу булоқ анчадан бери борми?

— Ҳа, мен болалигимда ҳам шунақа оқиб турарди, — деди қария уларга қизиқсиниб қараб.

Орадан икки кун ўтиб, булоқ атрофида одамлар кўпайишиб қолди. Қишлоқда булоқ сувни шифобахшилгини, бу ерда корхона очилиб, сувни идишларга

куйилиб, чет элга жўнатилармиш, деган гап тарқалди.

Орадан икки ҳафтадар ўтиб, қишлоқ оқсоқоли:

— Булоқ сувининг шифобахшили жуда кам экан, корхона қурилмасмиш, — деди.

Келгуси йил баҳорда қишлоқ йўли кенгайтирилди. Ҳовузча кўмби ташланди, тепаликнинг

бир қисми текисланиб, йўлга қўшилди. Йўлсолзлар булоқнинг устини бетонлаб ташлашиди. Сув озигина тинган бўлди-ю, кейин асфальт йўл қаърини ёриб яна сизиб чиқаверди. Йўлга сув тошиб ётганини кўрган амалдорлардан бири йўлсолзларга роса «захрини» сочди, танбех берди. Асрлар давомида ер қаъридан жилдираб чиқиб турган оби-ҳаётни тўхтатишинг имконини тополмаган йўлсолзлар унинг йўналишини ўзгартириб, кувурорқали жарга оқизиб қўйдилар. Шу билан одамлар булоқни умуман эсдан чиқаришиди.

Ўша йили қиши қаттиқ келиб, ариқлардаги сув музлаб қолди. Водопроводлар тақа-тақ тўхтади. Изгирили кунларда бир-икки марта машинада сув келди-ю, унинг ҳам оёғи узилди. Инсон эса сувсиз яшомайди. Қишлоқдагилар яна булоқни эслаб қолишиди. Жилдираб оқиб турган сув кўзга тўтиёдай бўлди. Қишлоқ аҳли чеълак кўтариб яна булоқ босшига келди...

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

бўлмасангиз, дилингизда нафратланиб туринг. Лекин бу учинчи одамнинг имони заифлигига далолатдир.

● Бирор касбу хунар орқасидан ризку насибага эга бўлиб яшаётган одам, шу касбни беузр ўзгартирмасин!

● Қаровсиз қолган мўминлар оиласларига кечаю кундуз маддий ёрдам кўрсатиб юрувчи одамнинг гуноҳларини Тангрининг кечириб юборади.

● Бу дунёда иккюзламачи бўлган одамнинг қиёматда ўтдан ясалган икки тиљи бўлади.

● Кўрган-билганин ҳаётидан гуноҳлик беришдан бош тортган одам ёлғон гуноҳлик берган билан баробардир.